

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**14-сон**  
**(1034)**  
**2022 йил**  
**апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

138. «Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги ПФ–97-сон Фармони
139. «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сон Фармони
140. «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ–190-сон қарори
141. «Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ–198-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

142. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2022 йил 14 мартдаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 11 мартдаги 3-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-1*)
143. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 6 апрелдаги 9-мқ-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-4*)
144. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 12/05-22-00567-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-5*)
145. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 10-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 19 мартдаги 14ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3362*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 138 Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонига мувофиқ, ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини янада кучайтириш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) 2023 йил 1 апрелга қадар:

маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 70 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

қўшни давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

б) мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро IЛАС/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади;

в) тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар (махсус турдаги товарлардан ташқари), ишлар ва хизматлар экспортини шартнома тузмасдан ҳисобварақ-фактуралар (инвойслар) асосида амалга оширишда талаб этиладиган олдиндан тўлов миқдори 100 фоиздан 50 фоизга камайтиради.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий sanoатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси):

икки ҳафта муддатда экспорт қилишда ташиш харажатларини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рўйхатини тасдиқласин ва унинг Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона порталида ([www.exportportali.uz](http://www.exportportali.uz)) эълон қилиб борилишини таъминласин;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 апрелда эълон қилинган.

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

3. Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюрт-маномаларига биноан мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун зарур маблағларни республика бюджетидан ажратиб борсин.

4. Ҳукумат комиссиясига маҳаллий экспортчи корхоналарнинг муру-жаатларига асосан экспорт олди ва экспорт билан боғлиқ савдо операция-ларини молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларни қайтариш муддатини яна олти ойгача узайтириш ваколати берилсин.

Бунда, ушбу кредитларни қайтариш муддатининг ўзгартирилиши Мар-казий банк томонидан кредит шартлари қайта кўриб чиқилган активлар сифатида ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилсин.

5. «Божхона омбори» режимида олти ойдан кўп бўлган товарларнинг бо-жхона расмийлаштирувида бо-жхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашни тақиқловчи тартиб бекор қилинсин.

6. Ёшлар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, шу жумладан ин-новацион технологияларга асосланган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чи-қариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан Ёш тадбиркорларни қўллаб-қув-ватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларга 500 минг АҚШ доллари-гача кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2023 йил 1 январга қадар Ҳукумат комиссияси хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операцияларини тартибга солишнинг вақтинчалик механизмларини жорий қилиш ваколати берилсин.

Бунда, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, шунингдек, импорт шартномалари қийматларини сунъий равишда ошириш, ички бозорга сифатсиз маҳсулотлар кириб келиши ва контрабанда ҳолатларининг олди-ни олиш чоралари назарда тутилсин.

8. «Ўзтрейд» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятларига ташқи савдо компанияларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллар маблағ ажратилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги «Ўзтрейд» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида-ги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини амалга оширади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ҳафта муддатда Эк-спортни рағбатлантириш агентлигига «Ўзтрейд» ва «Ўзсаноатэкспорт» акция-дорлик жамиятларининг устав капиталларидаги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 6 апрель,  
ПФ-97-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги  
ПФ-97-сон Фармониغا  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармониغا 3-илованинг 53-позицияси ҳамда 4-илованинг 240-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон Фармонининг 9-банди учинчи хатбошисида:

а) «фоизсиз» сўзи чиқариб ташлансин;

б) иккинчи жумладаги «(банк маржаси)» сўзлари «(банк маржаси билан бирга)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3351-сон қарорида:

а) 1-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги ҳамда «в» ки-

чик бандидаги «давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган» сўзлари «давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошисидаги «100 фоиз» сўзлари «50 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ–4112-сон қарори билан тасдиқланган Устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига бериладиган хўжалик жамиятлари рўйхатининг 1 ва 2-позициялари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4135-сон қарори 7-банди иккинчи хатбошисидаги «вазифасини» сўзи «хуқуқини» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5088-сон қарорининг 9-банди «е» кичик бандида:

а) қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан юқори ва 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади»;

б) учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) тўртинчи хатбошидаги «100 минг АҚШ доллари» сўзлари «500 минг АҚШ доллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**139** Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида\*

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш, барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш борасидаги институционал ва маъмурий ислохотларни давом эттириш ҳамда бу борада қонун устуворлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини шаффоф тарзда хусусийлаштириш механизмларидан, энг аввало, хусусий инвесторларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш ҳамда ерларни аукционга чиқаришда уларнинг жозибадорлигини ошириш учун инфратузилма ва бошқа зарурий шароитларни яратиб бериш;

давлат иштироки сақланиб қолаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шароит яратиш, монополияга қарши органнинг институционал салоҳияти ва ваколатини кучайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

«тартибга солувчи гильотина» усулини манзилли қўллаш орқали имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқ ва устунликларни бекор қилиш;

давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришни жадаллаштириш, иқтисодиётда самарасиз ишлаётган корхоналар улушини камайтириш ҳисобига сифат жиҳатидан янги, хусусан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган технологияларнинг қўпайишини рағбатлантириш;

пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ҳисобига молия бозоридаги турли сегментларнинг ривожланишига туртки бериш, шу орқали

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 апрелда эълон қилинган.

хусусийлаштирилган ва трансформация жараёнидаги корхоналарга ўз фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантиришга шaroит яратиш;

иктисодиётнинг драйвер тармоқлари, хусусан, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни кафолатланган хом ашё базаси билан таъминлаш учун геология-қидирув ишларига, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни жадаллаштириш, минерал хом ашё базаси захираларини кўпайтиришни қўллаб-қувватлаш;

энергия ресурслари, транспорт ва коммуникация бозорларини ривожлантириш ва соҳага хусусий инвестициялар кириб келиши учун шарoитлар яратиш;

ичимлик ва оқова сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш, йўл қурилиши, авиация инфратузилмаси соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кескин кўпайтириш;

барча соҳа ва тармоқларда коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш;

давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шу жумладан «комплаенс» назорат тизимини кенг жорий этиш, харидлар тизими шаффофлигини таъминлаш орқали коррупциянинг олдини олиш.

2. Хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, инвестициявий муҳит жозибadorлигини ошириш ҳамда давлат активларини (давлат акция пакетлари, улушлари, кўчмас мулк объектлари) сотиб олган инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида аукцион орқали сотишда давлат активларини сотишда қўлланиладиган уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби татбиқ этилсин;

бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида 35 фоиз миқдоридagi дастлабки тўловни бир йўла амалга оширган харидорларга мазкур давлат активлари ва ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур банднинг учинчи хатбoшиси билан жорий этилаётган давлат активлари ва ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқини бериш бўйича тартибни ишлаб чиқиб тасдиқласин.

3. 2022 йил 1 майдан бошлаб рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини талаб қилмаган ҳолда, янги барпо этилаётган қуйидаги кўчмас мулк объектларини (бундан ер участкаси мустасно) сотиб олиш тарзида инвестиция киритиш ҳуқуқи берилсин:

Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 150 000 АҚШ доллари



эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 180 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган кўчмас мулк объектлари;

бошқа ҳудудларда — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 70 000 АҚШ доллари эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 85 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган кўчмас мулк объектлари.

Бунда, мазкур бандда назарда тутилган кўчмас мулк объектларини сотиб олиш хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтиш ва яшаш гувоҳномасини олиш учун асос бўлмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ–5611-сон Фармонида 6-иловага мувофиқ хорижий мамлакатлар фуқароларига кўчмас мулк сотиб олиш шарти билан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш учун талаб этиладиган кўчмас мулк қиймати миқдори Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 400 000 АҚШ долларидан 300 000 АҚШ доллари эквивалентигача камайтирилсин.

5. Иқтисодиётда рақобат муҳитини янада яхшилаш ва хусусий сектор олдидаги бюрократик тўсиқларни қисқартириш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) охириги календарь йилида товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваридан ошмайдиган юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар ёхуд шахслар гуруҳини (табiiй монополия субъектлари, давлат харидлари ва биржа савдолари иштирокчилари, маҳсулотларининг нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари) товар ёки молия бозорларида устун мавқе эгаллаган деб эътироф этмаслик ҳамда уларга нисбатан монополияга қарши чораларни қўлламаслик;

б) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, рақобатга қарши ҳаракатларни содир этган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қуйидагилар учун молиявий жарималарни қўллаш:

товар ва молия бозорида рақобатни чеклашга олиб келувчи келишувлар (келишиб олинган ҳаракатлар) ва иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш;

товар ва молия бозоридаги устун (монопол) мавқени ҳамда юқори музокара устунлигини сунистеъмом қилганлик, ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар нархларини асоссиз оширганлик ва инсофсиз рақобат;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик;

оммавий савдоларда рақобатга зид ҳаракатлар амалга оширганлик ва монополияга қарши талабларни бузганлик.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда молиявий жарималарнинг аниқ

миқдорлари ва уларни қўллаш тартибини назарда тутувчи янги таҳрирдаги «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин. Бунда, ундирилган молиявий жарималар суммасини тўлиқ Давлат бюджетига йўналтириш ҳамда рақобатга қарши ҳаракатларнинг бошқа турлари учун ҳам жавобгарлик назарда тутилсин;

в) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, қуйидагилар учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан хом ашё, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишини (қўрсатилишини) ноқонуний чеклаш;

лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган давлат унитар корхоналари ёки муассасалари, юридик шахслар бирлашмалари томонидан рақобатни чеклайдиган қарорлар қабул қилиш;

монополияга қарши орган талабига қўра, зарур ҳужжат ва ахборотларни тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин;

г) 1-иловада\* назарда тутилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш;

д) 2023 йил 1 январдан бошлаб Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ахборот бериладиган Рақобат ривожланиши индексини жорий қилиш.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат хизматлари ва функцияларини бажаришга хусусий секторни кенг жалб этишни жадаллаштириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

7. Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ёки норезидентлари бўлган мижозлар учун уларнинг шахсий иштирокисиз қимматли қоғозлар учун депо ҳисобварақларини масофадан туриб очиш имкониятини яратсин.

8. Молия вазирлигининг 2022 йил 1 майдан бошлаб норезидент жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан оладиган даромадлари (дивидендлар, фоизлар ва фрахтдан олинadиган даромадлардан ташқари) бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкасини 12 фоиз миқдорида белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш, шунингдек, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни тақдим этишни тартибга солиш мақсадида:

а) 2022 йил 1 майдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларига тенг шароитларни яратиш учун чекланган субъектларга татбиқ этилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари 2-иловага\* мувофиқ тармоқлардаги барча субъектлар учун татбиқ этилсин;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштирилладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан олинладиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинсин. Мазкур норма тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида янги тузиладиган битимлар (расмийлаштириш шакли ва усулидан қатъий назар) асосида олинладиган товарларга (хизматларга) татбиқ этилади;

б) айрим солиқлар ва божхона имтиёзлари 3-иловага\* мувофиқ босқичма-босқич бекор қилинсин;

в) Вазирлар Маҳкамаси хатлов натижасига кўра аниқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан тақдим этилган айрим солиқлар ва божхона имтиёзларининг амал қилишини давом эттириш заруриятини танқидий қайта кўриб чиқиб, 2022 йил 1 августга қадар уларни бекор қилиш юзасидан таклиф киритсин;

г) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

божхона божлари бўйича имтиёзлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан берилсин. Бунда, Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши хулосаси олиниши мажбурий ҳисоблансин;

тармоқ вазирлик ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари соҳани ва (ёки) ҳудудни ривожлантириш учун берилган алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни йил якунлари бўйича ҳар йили 1 мартга қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борсин.

10. Молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда:

а) 2022 йил 1 майга қадар тажрибали инвестиция банкини жалб этиб, 2022 йил якунига қадар «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг, шу жумладан акцияларини оммавий жойлаштириш (IPO) орқали камида 49 фоиз улушини, шунингдек, «Иссиқлик электр станциялари» АЖдаги 51 фоиз ва ундан юқори миқдордаги давлат улушини хусусийлаштириш ишларини бошласин;

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар халқаро консалтинг компанияси хулосалари асосида «Ўзбекгидроэнерго» АЖни ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, янги кичик ва ўрта гидроэлектростанцияларни қуришда хусусий сектор иштирокидаги, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга устуворлик берилсин;

в) 2022 йил 1 сентябрга қадар «Uzbekistan airways» АЖ устав капиталидаги 51 фоиз ва ундан юқори миқдордаги давлат улушининг савдога чиқарилишини, шу жумладан акцияларини оммавий жойлаштириш (IPO) ишларини бошласин;

г) 2022 йил 1 августга қадар халқаро инвестиция банки ва консултантларни жалб этган ҳолда, «UzAuto Motors» АЖ акциялар пакетининг 10 фоизгача қисмини маҳаллий фонд бозорида оммавий жойлаштирсин (IPO) ва бу корхонанинг қолган улушини ҳамда «UzAuto Motors Powertrain» АЖ, «Samarqand Avtomobil zavodi» МЧЖни стратегик инвесторларга сотиш стратегиясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг магистрал тармоқларини тўлиқ давлат ихтиёрида сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан 2023 йил якунига қадар, «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 2024 йил якунига қадар халқаро кредит рейтинги қўлга киритилиши, молиявий интизомга қатъий риоя этган ҳолда мустақил равишда халқаро банклар ва капитал бозоридан маблағ жалб этишга эришилишини;

халқаро молия институтлари ва консултантлар хулосалари асосида 2022 йил 1 сентябрга қадар «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ фаолиятини такомиллаштириш, жумладан уларнинг операцион самарадорлигини ошириш, соҳага хусусий секторни жалб қилиш, бунда тажриба тариқасида, дастлаб ўн тўртта шаҳар ва туманда, аҳоли учун белгиланадиган тарифларни оширмаган ҳолда табиий газ ва электр энергиясини улгуржи харид қилиш ва сотиш функциясини хусусий операторга бериш бўйича қарор қабул қилинишини таъминласин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш кўмитаси:

а) икки ой муддатда «Uzbekistan Airports» АЖнинг Тошкент шаҳридаги ва ҳудудий халқаро аэропортларини модернизация қилиш ва операцион самарадорлигини ошириш учун хусусий секторга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, Фарғона водийсидаги аэропортларни мақбуллаштириш орқали улардан самарали фойдаланиш чоралари назарда тутилсин;

б) бир ой муддатда Жаҳон банкини жалб этиб, 2022 йил 1 июнга қадар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖни трансформация қилиш, ривожлантириш ва хусусийлаштириш стратегияси ишлаб чиқилишини таъминласин.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖни трансформация қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳ 4-иловага\* мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ишчи гуруҳ (Ж. Қўчқоров) 2022 йил 1 августга қадар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖни трансформация қилиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини киритсин:

Ўзининг йўловчи ва юк вагонларига эга хусусий операторлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган шаффоф ва мослашувчан тариф тизимини яратиш йўли билан тариф сиёсатини такомиллаштириш;

темир йўл транспорти корхоналарида операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни рақамли трансформация қилиш йўли билан интеграциялаш;

темир йўл орқали ички ва халқаро юк ҳамда йўловчи ташувларини давлат-хусусий шериклик ёки франшиза асосида хусусий секторга бериш;

в) 2022 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари билан биргаликда Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида жамоат транспорти фаолиятига хусусий секторни, жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳри мисолида Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиб, жорий этишни бошласин.

13. Автомобиль йўллари қўмитасини ислоҳ қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳ 5-иловага\* мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (Т. Ишметов) икки ой муддатда соҳада назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, монополиядан чиқариш, хусусий сектор корхоналарини жалб қилиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидан пудрат ва ишлаб чиқариш корхоналарини чиқариш орқали уни ислоҳ қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва жалб қилинган профессионал консультантлар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖни ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритилишини таъминласин.

15. Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида белгилаб қўйилсинки:

2022 йил 1 апрелдан кейин ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас;

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йил 1 майдан бошлаб кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилади;

кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти корхонада трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, ушбу Фармонда назарда тутилган талабларни бажариш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш каби мезонлар асосида баҳоланади.

16. Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва ижро органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсатини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда, ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари бекор қилинсин.

17. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 6-иловада\* кўрсатилган акциядорлик жамиятларида трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини самарали ташкил этишга қаратилган махсус бошқарув тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

жамият кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси унинг мустақил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур қўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазибалари юклатилади;

жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилади ва унга бўйсунадиган лойиҳа офиси ташкил этилади;

жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосарига ижро органининг барча раҳбар ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар трансформацияга тегишли масалалар бўйича ҳисобдор бўлади;

жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиҳа офисининг харажатлар сметаси кузатув кенгаши томонидан алоҳида тасдиқланади;

жамият кузатув кенгаши томонидан ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (мазкур Фармоннинг 16-бандида кўзда тутилган рағбатлантиришдан ташқари) ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланади.

18. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги иштирокини чеклаш ва қисқартириш мақсадида, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилмаган ҳолларда:

---

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш;

рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш;

асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш тақиқлансин.

Белгилансинки, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

20. Давлат солиқ хизмати органларига хўжалик жамиятларида давлат улуши бўйича дивидендлар миқдорини белгилашда молиявий натижанинг тўғри шакллантирилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

21. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 2022 — 2024 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг соҳалар кесимидаги «Йўл харитаси» 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

22. Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар яширин иқтисодиётга қарши курашиш ва уни қисқартиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

Бош вазир А.Н. Арипов бошчилигида Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби 8-иловага\* мувофиқ;

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси 9-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 7 — 9-иловалар «Кунунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

24. Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда ижро муддатлари ва масъулларнинг вазифасини аниқ белгилаган ҳолда, ҳар бир корхона бўйича амалга ошириладиган ишларнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

6-иловада назарда тутилган корхоналарнинг кузатув кенгашлари раислари ва ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосарларининг ишини муҳокама қилиб, улар фаолиятини мувофиқлаштирасин ва назорат қилсин;

ҳар бир корхона раҳбарининг мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминлаш борасидаги ҳисоботини эшитиб борсин, зарур ҳолларда уларнинг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ижро ҳолати бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларининг шахсий ҳисоботини ҳар чоракда танқидий муҳокама қилиб борсин;

зарур ҳолларда, давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилган алоҳида инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва натижадорлигини мустақил аудиторлик компаниясини жалб қилган ҳолда баҳолаш ташаббуси билан чиқсин;

ҳар ой якуни билан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида муҳокама қилиб борсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 10-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 апрель,  
ПФ-101-сон

---

\* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги  
ПФ-101-сон Фармониغا  
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармонининг 10-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4986-сон Фармониغا илованинг 6-банди «б» кичик банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ««Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармони 3-бандининг «д» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги «Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-52-сон Фармонига 1-илованинг 15-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарори 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорига 31-илованинг 12-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 майдаги «Мотор мойлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1759-сон қарорининг 8-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июндаги «Нукус шаҳрида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3055-сон қарорининг 8-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июлдаги «Тошкент шаҳрида болалар буюмлари ва ўйинчоқларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхонани ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3115-сон қарорининг 6-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217 қарорининг 11-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 августдаги «Республикада целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватлар ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3244-сон қарорининг 6-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3457-сон қарорининг 12-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3578-сон қарорининг 17-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3616-сон қарорининг 13-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4008-сон қарори 5-бандининг «б» кичик банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 ноябрдаги «Қимматбаҳо металлارни олтин изловчилар усулида казиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4030-сон қарорининг 4-банди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4755-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги «Афғонистон ҳудудига тижорат юklarини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 41-сон қарорининг 2-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги «Кўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида» 158-сон қарорининг 11-банди.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 279-сон қарорига 4-илованинг «III» бўлими.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги ПФ–4933-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сон қарори)»ги

837-сон қарорига илованинг 1-банди «д» кичик бандининг ўттиз иккинчи — ўттиз еттинчи хатбошилари.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 498-сон қарорига 1-илованинг 30-банди «г» кичик бандининг учинчи хатбошиси.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 19 февралдаги ПФ–5666-сон Фармони)»ги 425-сон қарорига 1-илованинг 9-банди «г» кичик бандининг эллик тўққизинчи ва олтмишинчи хатбошилари.

*Изоҳ: мазкур илованинг 2, 3, 7, 8, 9, 14, 16 ва 18-бандлари 2022 йил 1 июлдан, 1, 6, 10 — 13, 15, 17 ва 19-бандлари 2023 йил 1 январдан амалга киритилади.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **140** Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда сўнги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизим-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 апрелда эълон қилинган.

ни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда.

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг «пиёда — жамоат транспорти — велотранспорт — автотранспорт» устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;

ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш;

йўл ҳаракати қоидалари асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш;

йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш.

2. Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилсин:

ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади;

ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади;

муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) бир ой муддатда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини киритсин.

3. Ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи барча таълим муассасалари (кейинги ўринларда — автомактаблар) ва имтиҳон марказларига фаолиятни амалга ошириш учун лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади;

автомактабларнинг инновацион педагогик технологияларга асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги (А.И. Икромов, Б.Т. Абдуллаев):

бир ой муддатда автомактаблар ва имтиҳон марказларига қўйиладиган талаб ва мезонларни қайта кўриб чиқиб, уларнинг ўқув фаолияти сифатини оширишга қаратилган қатъий чораларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда Ички ишлар вазирлиги Академиясида автомактабларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани яратсин.

Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига автомактаблар ва имтиҳон марказлари фаолияти бўйича янги жорий этилаётган тизимни самарали йўлга қўйиш ҳамда ҳайдовчиларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Белгилансинки:

а) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар марказларида чорраҳаларни тўлиқ рақамли бошқарув тизимига ўтказиш бўйича шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юкланади;

б) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларида йўл белгилари, кўрсаткичлари ва светофорларни ўрнатиш, йўл чизикларини чизиш, пиёдалар ўтиш жойларини белгилаш орқали йўл ҳаракати воситаларини тартибга солишга ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (кейинги ўринларда — йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари) масъул ҳисобланади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) билан биргаликда икки ой муддатда, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларни жалб қилган ҳолда, чорраҳаларда рақамли бошқарув тизимини қўйидаги даврларда жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни белгилайди:

2023 йил якунига қадар пойтахтнинг барча чорраҳаларида, шунингдек, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг йирик асосий серкатнов чорраҳаларида;

2024 йил якунига қадар Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг барча чорраҳаларида;

г) туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Мазкур дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг 30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлар йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг қўшимча штатларини киритишга сарфланади.

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т. Абдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда транспорт ва пиёдалар оқими, пиёдалар билан боғлиқ содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум ҳудудларда пиёдалар ўтиш жойларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни 2023 йил якунига қадар ўрнатилишини назарда тутувчи манзилли дастурни тасдиқласин ва ижросини тўлиқ таъминласин.

5. Ички ишлар вазирлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини (кейинги ўринларда — эксплуатация-монтаж бўлинмалари) икки ой муддатда тегишинча ҳудудий ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказиш;

ички ишлар вазирлигига йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан малакали хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқини бериш;

«Uzavtomotobelgi» давлат унитар корхонасида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу соҳада рақобат муҳитини шакллантириш;

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тузилмасида Йўл инфратузилмасини назорат қилиш бошқармасини, ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари тузилмаларида йўл инфратузилмасини назорат қилиш бўлимларини ички ишлар органларининг чекланган штат бирликлари ҳисобидан ташкил этиш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари эксплуатация-монтаж бўлинмаларини йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказишда:

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг бино ва иншоотларини, уларнинг ёндош ҳудудлари, моддий-техника базасини, шу жумладан янги замонавий махсус техника билан таъминлаган ҳолда топшириш чораларини кўрсин;

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг мавжуд кредитор ва дебитор қарзлари тўланишини, маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келган моддий-техника воситалари ҳисобдан чиқарилишини таъминласин.

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т. Абдуллаев):

икки ой муддатда эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

эксплуатация-монтаж бўлинмалари тегишли бино ва иншоотлари, уларнинг ёндош ҳудудлари, зарур моддий-техника базаси билан таъминланган ҳолда қабул қилинишини ташкил этсин;

уч ой муддатда эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиб, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини тўлиқ ўрнатиш ва уларнинг доимий ишлашини таъминлаш бўйича янгича иш усуллари жорий этсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда:

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда эксплуатация-монтаж бўлинмалари бошлиқлари ва уларнинг бир нафар ўринбосари лавозимлари ушбу бўлинмаларнинг мавжуд штат birlikлари ҳисобидан офицерлик таркибидаги ходим лавозимларига ўзгартирилишини таъминласин;

ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. 2022 йил 5 апрелдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

1-иловага\* мувофиқ микдорларда йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасида ундириладиган жарима, олинадиган йиғим ва тўловлар;

эксплуатация-монтаж бўлинмалари учун ҳар йили бюджет параметрларида дастурлар асосида алоҳида тадбирлар учун кўзда тутиладиган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозит ҳисобрақамларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия тарзидаги маблағлари;

халқаро молиявий институтлар ва банклар томонидан ажратиладиган кредитлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун мақсадли сарфланади:

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ўрнатиш учун белгиланган конструкция ва қурилиш материаллари ҳамда махсус бўёқларини харид қилиш;

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида йўл чизиқларини чизиш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш, демонтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни молиялаштириш;

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, шу жумладан замонавий махсус техника воситалари билан таъминлаш, уларга иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда маълум муддатга қўшимча штатлар киритиш, шартномалар асосида мутахассисларни жалб қилиш, уларнинг ходимлари, ишчи ва хизматчилари учун ҳар ойлик ва бир марталик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мактабгача таълим ҳамда халқ таълими вазирликларига қарашли мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларида йўл ҳаракати қоидалари бўйича бошланғич билимларни шакллантиришга қаратилган моддий-техник ва ўқув базасини яратиш, шунингдек, маҳаллаларда болаларга йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатиш майдончаларига йўл белгиларини ўрнатиш ва йўл чизиқларини чизиш чора-тадбирларини молиялаштириш.

8. Автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этиш, бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси ва унинг ҳудудий махсус комиссиялари (кейинги ўринларда — махсус комиссиялар) 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ тузилсин.

Махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг хавфли авария участкалари рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асослантилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқишини ташкиллаштириш ва келишиш.

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси тўғрисидаги низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика махсус комиссияси (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари раислигида ҳудудий махсус комиссияларнинг намунавий низомини тасдиқласин;

ҳар чоракда давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни, мавжуд камчиликларни танқидий муҳокама қилиб борсин ва тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;

ҳар йили маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ҳудудларида автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирларини ўз ичига олган «йўл харита»ларини тасдиқлаб, уларнинг ижроси устидан қатъий назорат олиб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари махсус комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади;

ишчи органлар мунтазам равишда тегишли давлат органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб боради ва махсус комиссияларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларни тайёрлайди;

ҳудудий махсус комиссиялар ҳар ойда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари, қоидабузарликларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганади, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига муҳокама қилиш учун киритади ва натижалари бўйича республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этади.

10. Ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш ва бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 июлдан бошлаб, республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида «Хавфсиз йўл» индекси (кейинги ўринларда — индекс)ни юритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Белгилансинки:

индекс доирасида йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолати махсус комиссиялар томонидан 5-иловага мувофиқ 29 та индикатор бўйича ҳар чорак якунида баҳолаб борилади;

туман (шаҳар)лар индекс кўрсаткичлари асосида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг ҳолати бўйича «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади;

индексни юритиш вазифаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари зиммасига юкланади.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) икки ой муддатда етакчи илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, индекс-

ни юритиш методологияси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш, йўл-транспорт ходисаларининг барвақт олдини олиш мақсадида «Умр тезликдан муҳимдир» ва «Хавфсизлик камари — ҳаёт гарови» шиорлари остида комплекс тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

б) бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, ўқувчилар орасида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтиришга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

«Йўл ҳаракати интизоми болаликдан бошланади» шиори остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларига йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини амалий-кўргазмали тарзда ўргатиш, уларнинг онгига болалигидан бошлаб йўл ҳаракати интизомини сингдириш;

мактабларда «Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари»ни, маҳаллаларда «Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари»ни ташкил этиш;

в) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 апрель,  
ПҚ-190-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги  
ПҚ-190-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича  
республика махсус комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) фаолиятини белгилайди.

2. Махсус комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан ташкил этилади ва доимий асосда фаолият юритади.

4. Махсус комиссия ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5. Махсус комиссия томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши барча учун мажбурийдир.

6. Махсус комиссия йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга ва тегишли ҳисоботларни тайёрлашга мутахассисларни, олимларни, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларини жалб этади.

**2-боб. Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ва  
функциялари**

7. Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади: йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасини хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

худудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг манзилли фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ходисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг хавfli авария участкалари рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида улар-

нинг олдини олиш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

худудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқирилишини ташкиллаштириш ва келишиш.

Махсус комиссия қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

8. Махсус комиссия ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

автомобиль йўлларидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичлари (йўл-транспорт ҳодисалари, уларда тан жароҳати олган ва ҳалок бўлганлар сони) устидан объектив мониторинг юритилишини ташкил этади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичлари салбий бўлган худудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги қонунчилик ижросини таҳлил қилади;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган худудлардаги аҳоли яшаш пунктлари, таълим ташкилотларида профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминлаш юзасидан назоратни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолатини ҳар чорак якунида индекснинг индикаторлари бўйича баҳолаб боради;

индекс натижаларига кўра «сариқ» ва «қизил» тоифаларга киритилган туманлар (шаҳарлар)да йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

индекс натижаларига кўра йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг ҳолати бўйича «қизил» тоифага киритилган туманлар (шаҳарлар) салмоғи юқори бўлган вилоятлар ҳокимлари (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ҳокими)нинг масъулиятини ошириш чораларини белгилайди, жумладан, зарур ҳолларда уларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилишини таъминлайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш доирасида илмий-тадқиқот институтлари, махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни ўрганади ва муҳокама қилади;

махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир долзарб илмий тадқиқот йўналишларини белгилайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижалари жорий этилишини амалий қўллаб-қувватлайди;

алоҳида долзарб бўлган йўналишларда ўтказиладиган илмий ва тадқиқот изланишларига юқори малакали олим ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда бундай тадбирларни молиялаштириш масалаларини ҳал қилади;

йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини ҳар томонлама, айниқса, йўл участкаси ва автотранспорт воситасининг техник ҳолати, ҳайдовчининг малакаси, об-ҳаво шароити каби муҳим омилларни илмий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш ишларини ташкил этади;

Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида, шунингдек, юқори аҳамият касб этувчи йўналишларда йўл ҳаракатини автоматик бошқариш тизимлари кенг жорий этилишини таъминлайди;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этиш устидан назорат тизимини инсон ва коррупция омилларини истисно этувчи автоматлаштирилган техник ва технологик воситалар орқали юритилишини йўлга қўйишга доир тадбирларни белгилайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини такомиллаштириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга мўлжалланган замонавий ахборот тизимларини яратишни ташкил этади.

### **3-боб. Махсус комиссия фаолиятини ташкил этиш**

9. Махсус комиссия раиси қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

Махсус комиссиянинг фаолиятига раҳбарлик қилади;

Махсус комиссиянинг йиғилишини (сайёр йиғилишини) чақириш тўғрисида қарор қабул қилади ва кун тартибини белгилайди;

Махсус комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини назорат қилади;

Махсус комиссияга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарорларни тасдиқлайди; мазкур Низом талабларини бажармаётган Махсус комиссия аъзоларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Махсус комиссия баённомалари ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва назорат қилади;

Махсус комиссиянинг фаолиятини самарали ташкил этишга оид бошқа функцияларни бажаради.

10. Махсус комиссия раисининг ўринбосарлари:

Махсус комиссия йиғилишини (сайёр йиғилишини) ташкил этади;

Махсус комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан таклифлар тайёрланишини ташкил этади;

махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

лари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда Махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди; тегишли ахборот ва таклифларни Махсус комиссия раисига киритади; Махсус комиссия раиси бўлмаганда ёки унинг топшириғи бўйича Махсус комиссия йиғилишларига раислик қилади;

Махсус комиссиянинг самарали иш олиб боришини таъминлаш мақсадида бошқа функцияларни ҳам бажаради.

11. Махсус комиссия аъзолари:

Махсус комиссия йиғилишлари (сайёр йиғилишлари) кун тартибидаги масалалар бўйича муҳокамаларда иштирок этади;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир долзарб масалалар юзасидан Махсус комиссияга таклифлар киритади;

Махсус комиссия томонидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

Махсус комиссиянинг қарорлари ва қўйилган вазифаларнинг ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботни Махсус комиссия раисига тақдим этади;

Махсус комиссиянинг самарали иш олиб боришини таъминлашга оид бошқа функцияларни бажаради.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Махсус комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

13. Ишчи орган:

Махсус комиссия фаолиятининг ташкилий-техник таъминотини амалга оширади;

иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди ва Махсус комиссия муҳокамасига киритади;

Махсус комиссия раиси билан йиғилиш (сайёр йиғилиш) ўтказиш муддати ва жойини, шунингдек, таклиф этилганлар рўйхатини келишади, Махсус комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни йиғилиш (сайёр йиғилиш) санаси, вақти ва ўтказиладиган жойи ҳақида хабардор қилади;

Махсус комиссия йиғилишида (сайёр йиғилишида) кўриб чиқиш учун материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Махсус комиссия йиғилишининг (сайёр йиғилишининг) кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлайди;

Махсус комиссия ишининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан олади;

Махсус комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан унинг қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Махсус комиссияга юридик ва жисмоний шахслардан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича тушган мурожаатларни умумлаштиради ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли вазирлик ва идораларга юборади;

Махсус комиссия фаолиятига оид тасдиқланган режалар ижросини мониторинг қилиб боради;

Махсус комиссия аъзоларининг таклифлари, шунингдек, мулохазаларини қабул қилади ва тизимлаштиради;

Махсус комиссия йиғилиши баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомалар нусхалари Махсус комиссия аъзолари, ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга юборилишини таъминлайди;

Махсус комиссия қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг яқунларини Махсус комиссия йиғилишида (сайёр йиғилишида) кўриб чиқиш учун киритади;

Махсус комиссиянинг қарорларига ҳамда Махсус комиссия раиси ва ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

14. Махсус комиссиянинг аъзолари йиғилиш ўтказилишидан камида икки иш куни олдин йиғилиш (сайёр йиғилиш) ўтказилиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилиниши лозим.

15. Йиғилишни (сайёр йиғилишни) Махсус комиссия раиси (раис йўқлигида унинг кўрсатмаси асосида ўринбосари) олиб боради.

16. Махсус комиссия аъзолари йиғилишларда шахсан иштирок этади. Махсус комиссия аъзоси асосиз сабабларга кўра уч мартадан ортиқ йиғилишларда иштирок этмаган тақдирда, унга нисбатан Махсус комиссия раиси томонидан чора кўрилади.

17. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан раис ҳам битта овозга эга бўлади.

18. Махсус комиссия йиғилишда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

19. Махсус комиссия йиғилишлари (сайёр йиғилишлари) Махсус комиссиянинг иш режасига мувофиқ, бироқ ҳар чоракда камида бир марта, шунингдек, комиссия ваколатига тегишли бўлган шошилиш масалаларни кўриб чиқиш зарурати юзага келганда навбатдан ташқари ўтказилади.

Махсус комиссия йиғилишлари (сайёр йиғилишлари) баённома билан расмийлаштирилади.

20. Махсус комиссия йиғилишларига (сайёр йиғилишларига) кўриб чиқиладиган масалалардан келиб чиққан ҳолда, унинг таркибига киритилмаган давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий ижро ҳокимият органлари, илмий ва таълим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

21. Махсус комиссия аъзоларининг иш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизмлари, даврийлиги ҳамда молиявий манбалари Махсус комиссия йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилиш орқали белгиланади.

#### **4-боб. Махсус комиссия қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш**

22. Махсус комиссия қарорлари унинг йиғилишида (сайёр йиғилиши-

да) иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарор юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли.

23. Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Махсус комиссия раиси алоҳида масалалар юзасидан Махсус комиссия аъзолари билан сўровнома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

24. Махсус комиссия йиғилишида (сайёр йиғилишида) қабул қилинган қарорлар баённома билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома раис томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Махсус комиссия аъзолари, ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга юборилади.

25. Махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган Махсус комиссия аъзолари (аъзоси) тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ўз таклифлари ёки фикрларини ёзма равишда ишчи органга тақдим этиши мумкин.

26. Махсус комиссия қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

27. Махсус комиссия ўтказилган йиғилиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритади.

### **5-боб. Яқунловчи қоида**

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги  
ПҚ–190-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Туманлар (шаҳарлар)да йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш бўйича «Хавфсиз йўл» индексининг ИНДИКАТОРЛАРИ**

### **I. Йўл инфратузилмаси бўйича:**

1. Йўл қопламасининг ҳолати.
2. Йўл белгилари билан жиҳозланганлик даражаси.
3. Йўл кўрсаткичлари билан жиҳозланганлик даражаси.
4. Пиёдалар ўтиш жойларининг тартибга солинганлиги.
5. Ер ости ва ер усти пиёдалар ўтиш жойлари мавжудлиги.
6. Пиёдалар йўлаклари мавжудлиги.
7. Велосипед йўлаклари мавжудлиги.



8. Автотураргоҳлар билан таъминланганлиги.
9. Ётиқ чизиқларнинг аҳволи.
10. Йўлни ажратувчи тўсиқ билан жиҳозланганлиги.
11. Йўлнинг ёритилганлиги.
12. Таълим муассасалари атрофининг жиҳозланганлик даражаси.
13. Таълим муассасаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича синфхоналарнинг мавжудлиги.
14. Таълим муассасаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича майдончаларнинг мавжудлиги.
15. Светофорларнинг мавжудлиги.
16. Йўл бўйининг кўкаламзорлаштирилганлиги.
17. Йўналтирувчи устунчалар ўрнатилганлиги.
18. Қоидабузарликларни аниқловчи мосламалар билан таъминланганлиги.
19. Видеокузатув камералари билан жиҳозланганлиги.
20. Сунъий нотекисликлар мавжудлиги.
21. Ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиш ҳолати.
22. Йўл ҳаракати қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилувчи кўргазмали воситалар билан жиҳозланганлик даражаси.
23. Йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш бўйича профилактик тадбирларнинг ўтказилиши даражаси.
24. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қонун билан тақиқланмаган ҳомийлик маблағларининг жалб этилиш ҳолати.

## **II. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиниши бўйича:**

25. Юз минг аҳолига нисбатан йўл транспорт ходисаларининг сони.
26. Юз минг аҳолига нисбатан йўл транспорт ходисалари оқибатида вафот этганлар сони.
27. Авария ўчоқлари сони.
28. Юз минг аҳолига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони.
29. Тирбанд жойлар сони.

*Изоҳ: мазкур индикаторлар бўйича туманлар (шаҳарлар)да йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш «Хавфсиз йўл» индексини юритишнинг алоҳида методологиясига мувофиқ амалга оширилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**141 Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда пенсия, нафақа, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш ва етказиб беришда фуқароларга қулай шарт-шароитларни яратиш, тўлов тизимининг замонавий усулларини кенг жорий этиш ҳамда мазкур соҳада илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5102-сон қарорига мувофиқ пенсия ва нафақа тўловлари учун зарур маблағлар ҳар ойнинг 5-санасига қадар молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк ҳамда АТ «Халқ банки»нинг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

а) 2022 йил 1 майдан бошлаб:

«Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга ва оилаларга тегишли жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, меҳнат органлари томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаси ва стипендиялар ҳамда жазони ўтаб озодликка чиққан фуқароларга тўланадиган моддий ёрдам пуллари (кейинги ўринларда — моддий ёрдам пуллари) ҳар ойнинг 5-санасига қадар молиялаштирилади ҳамда пенсия ва нафақалар билан бир вақтда АТ «Халқ банки»нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади;

АТ «Халқ банки»нинг сайёр кассалари томонидан пенсия ва нафақалар ҳамда моддий ёрдам пуллари фуқароларга нақд пулда етказиб бериш хизматлари учун 1 фоиз миқдорда банкка хизмат ҳақи тўлаб берилади. Бунда, АТ «Халқ банки» зиммасига сайёр кассалар орқали маҳалла фуқаролар йиғинларига борган ҳолда пенсия ва нафақа олувчиларнинг карталаридаги маблағларини уларнинг хоҳишларига кўра нақд пулга алмаштириб бериш вазифаси юклатилади;

барча турдаги давлат пенсияларини, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан тўланадиган нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни ҳамда кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам пулини (кейинги ўринларда — пенсия ва нафақалар) банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов жорий қилинади. Бунда, фуқароларнинг розилиги билан пенсия ва нафақа пуллари банк карталарига ўтказиш асосида ҳужжатларни қоғоз шаклида юритишдан воз кечилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 апрелда эълон қилинган.

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар ҳарбийлаштирилган тизим пенсияларини ҳисоблаш ва уларнинг тўлов ҳисоб-китоблари тизимини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан автоматлаштириш орқали хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида пенсия варақаларини юритиш амалиёти бекор қилинади.

3. АТ «Халқ банки» (Ш.Х. Атабаев):

Марказий банк (Б.Э. Захидов) билан биргаликда аҳолини банкоматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида 2022 йилнинг 1 октябрга қадар хориждан 1 800 та банкомат олиб келган ҳолда, уларнинг ҳудудлар, шу жумладан олис туманларда ўрнатилишини таъминласин;

2022 йил якунига қадар пенсия ва нафақа олувчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида уларнинг маблағларини масофадан бошқариш имконини берувчи банкнинг янги мобил иловасини ишлаб чиқсин;

Адлия вазирлиги томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларни банкнинг мобил иловаси орқали амалга оширилишини йўлга қўйсин.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва тегишли мақсадли жамғармаларнинг қолдиқ маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш ахборот тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат фармойиши лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу қарорнинг мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 апрель,  
ПҚ-198-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги  
ПҚ-198-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сон қарори 2-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб:

барча турдаги пенсия ва нафақа тўловлари нақд шаклда берилади ёки фуқароларнинг розилиги асосида банк картасига ўтказилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2826-сон қарори 8-бандидаги «1 фоизгача» сўзлари «1 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредит-банк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3694-сон қарори қуйидаги мазмундаги 6<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«6<sup>2</sup>. Барча тижорат банкларига 2024 йил 1 январга қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган банк жиҳозлари, техникалари ва банк карталарини олиб киришга рухсат берилсин ҳамда улар бу билан боғлиқ божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5102-сон қарори 1-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«танловда иштирок этадиган тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақаларни маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёки фуқаронинг яшаш манзилига етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб, хизмат ҳақи пенсия ва нафақалар тўланадиган (етказиб бериладиган) сумманинг 1 фоизи миқдоридан бўлиши мумкин. Бунда, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан тўлаб берилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 250-сон қарорида:

а) 1-илованинг 15-бандида:

қўйидаги мазмундаги «б<sup>1</sup>» кичик банд билан тўлдирилсин:

«б<sup>1</sup>) «Темир дафтар»га киритилган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари учун зарур бўладиган маблағлар ҳар ойнинг 5 санасига қадар хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) ўтказилади»;

«в» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ойнинг охирида ведомостлар ёпилади, ҳар ойнинг 27 кунига қадар тайинланган, бироқ, талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг охирида «Саховат ва кўмак» жамғармасига қайтарилади. Ведомостнинг бир нусхаси секторлар раҳбарларига тақдим этилади»;

б) 3-иловада:

13-банддаги «ўтказди» сўзи «ҳар ойнинг 5 санасигача ўтказди» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5 — 27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади, ойнинг 27 санасига қадар тўланмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар ҳар ойнинг охирида тегишли ҳисобрақамларга қайтарилади. Ведомостнинг бир нусхаси Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**142** **Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолияти-  
ни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фао-  
лиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, террориз-  
мни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқат-  
тишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назо-  
рат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-  
сида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон қарори (рўйхат рақами 3309, 2021 йил 9 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 10/21/3309/0544-сон) билан тасдиқланган Крипто-актив-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 апрелда эълон қилинган.

лар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги директори**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 14 март,  
1-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 11 март,  
3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви  
миллий агентлигининг 2022 йил 14 мартдаги  
1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг 2022 йил 11 мартдаги  
3-сон қарорига  
ИЛОВА

**Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни  
амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок  
этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида ишти-  
рок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмо-  
ний шахс, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оши-  
ришда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори**

бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

**оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс** — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;».

2. 9-банд «мунтазам равишда» деган сўзлардан кейин «(йилига камида бир марта)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 13-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш, камай-тириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби, шу жумладан мижозлар томонидан крипто-активлар билан боғлиқ операциялар бўйича таҳлил қилиш (шу жумладан, мижозларнинг крипто-ҳамён манзиллари фойдаланилган савдо майдонлари, мижозлар контрагентларининг крипто-ҳамён манзиллари, мижозларнинг крипто-ҳамён манзилларининг бошқа крипто-ҳамён манзиллари билан алоқаларини аниқлаш ва ҳ.қ.) ва мижозларнинг крипто-ҳамён манзиллари қонунга хилоф фаолиятда ишлатилиши таваккалчиликларини баҳолашни амалга оширувчи дастурий таъминотдан фойдаланиш;».

4. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Операцияни тўхтатиш ва тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.».

5. 48-банднинг биринчи хатбошисида «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлардан кейин «, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. Қуйидаги мазмундаги 57<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«57<sup>1</sup>. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, ички назорат тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**143** Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-А*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2864, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 6 апрель,  
9-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2022 йил 6 апрелдаги  
9-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари адлия органлари билан лавозимига тайинланиши келишилган кундан бош-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 апрелда эълон қилинган.

лаб бир йил давомида бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматига ишга ўтганда адлия органлари билан суҳбатдан ўтказилмасдан келишилишига йўл қўйилади, юридик хизмат раҳбари ва унинг ўринбосари лавозимлари бундан мустасно.»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Давлат органлари ва ташкилотлари номзодни лавозимга тайинлаш масаласини келишиш учун тегишли адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг номзодни лавозимга тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаси;

номзоднинг ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклдаги маълумотномаси ва яқин қариндошлари ҳақидаги маълумот.

Юридик хизмат ходими лавозимига келишиш учун бир ёки ундан ортиқ номзодлар тавсия этилганда, мазкур ҳужжатлар ҳар бир номзод учун алоҳида тақдим этилади.».

3. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Суҳбат жараёнидаги номзодга бериладиган саволлар ва уларнинг жавоблари, комиссия аъзолари томонидан номзодга қўйилган баллар ҳамда суҳбатнинг умумий натижалари «Yurist-adliya» электрон тизимида қайд этиб борилади.».

4. 23-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. 1-илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Келишилди:*

***Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири***

***Б. ХУСАНОВ***

*2022 йил 31 март*

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси***

***К. РАИФКОВ***

*2022 йил 28 март*

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**144 «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-5*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2778, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 155-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 3 майдан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 16 март,  
12/05-22-00567-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил  
16 мартдаги 12/05-22-00567-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «1 — 25-иловаларга» деган сўзлар «1 — 29-иловаларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 4-иловаларига\*\* мувофиқ таҳрирдаги 26 — 29-иловалар билан тўлдирилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Келишилди:*

*Савдо-саноат палатаси раиси  
биринчи ўринбосари*

*И. ДЖАСИМОВ*

*2022 йил 12 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**145** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3362*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 234-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 март,  
10-сон

**Б. КУРБАНОВ****Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2022 йил 19 март,  
14ққ-сон

**П. БОБОЖОНОВ****Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 март,  
8-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 28 мартда-  
ги 10-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлигининг 2022 йил 19 мартдаги  
14ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги  
8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган  
Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида  
хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида  
яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. «Қорақалпоғистон Республикаси» бўлимида:

а) 1-позиция чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 30-позиция билан тўлдирилсин:

«

30.	Кукенов Шерифбай
-----	------------------

1950 й.
---------

».

2. «Жиззах вилояти» бўлимида:

а) 1 ва 3-позициялар чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 14-позиция билан тўлдирилсин:

«

14.	Азизов Амин Хакимович	1959 й.
-----	-----------------------	---------

».

3. «Самарқанд вилояти» бўлимидан 15, 27, 36, 55, 57, 58, 65 ва 85-позициялар чиқариб ташлансин.

4. «Сурхондарё вилояти» бўлими қуйидаги мазмундаги 11-позиция билан тўлдирилсин:

«

11.	Курбанов Абдулла	1946 й.
-----	------------------	---------

».

5. «Тошкент вилояти» бўлимидан 55, 78 ва 87-позициялар чиқариб ташлансин.

6. «Фарғона вилояти» бўлимидан 4-позиция чиқариб ташлансин.

7. «Хоразм вилояти» бўлимидан 2-позиция чиқариб ташлансин.

8. «Тошкент ш.» бўлимидан 56-позиция чиқариб ташлансин.

9. Изоҳдаги «282» рақами «268» рақами билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2022 йил 14 мартдаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 11 мартдаги 3-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 6 апрелдаги 9-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-4.**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 12/05-22-00567-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-5.**

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 10-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 19 мартдаги 14ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3362.**

